

UDK: 81'373.21

**ГИДРОНИМЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯСИ ВА УЛАРДАН
Фойдаланиш**

**ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ФУНКЦИЯ ГИДРОНИМОВ И ИХ
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ**

ECOLOGICAL FUNCTION OF HYDRONYM AND THEIR USE

Мадрахимов Аблазбек Эркинжон ўғли

Фарғона давлат университети география кафедраси таянч докторанти

Madrakhimov Ablazbek Erkinjon o'g'li

Fergana State University, basic doctoral student of the Department of Geography

<https://orcid.org/0009-0002-7245-1284>

Annotatsiya

Ушбу мақолада мамлакатимиз жой номларининг таркиб топишида салмоқли аҳамиятга эга бўлган, сув объектлари билан боғлиқ ҳолда вужудга келган географик номлар, яъни гидронимларнинг айрим турларининг экологик функцияси таҳлил этилган. Шу мақсадда гидронимларнинг экологик функциясини кенгроқ тадқиқ этиш мақсадида географик номлар гуруҳларга ажратилган. Натижада мамлакатимиз ҳудудидаги географик номларни табиий-экологик хусусиятлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан тарихан боғлиқ ҳолда вужудга келган сув объектлари, маълум этник гуруҳга тегишли эканлигини билдириб турувчи этногидронимлар шунингдек сув объектларига нисбатан унга эгалиг қилувчи, уни барпо этганлиги каби тушунчалар билан аталувчи антропогидронимлар каби географик номлар гуруҳларга ажратилган. Шунингдек сув объектларидан узоқ вақт фойдаланиш натижасида юз берадиган табиий-экологик ўзгаришлар ва сув билан боғлиқ фитогидронимлар, зоогидронимларнинг тарқалиши мумкин бўлган экологик ҳудудлари кўрсатиб ўтилганлиги билан бир қаторда сув

объектларини асраб-авайлаш, муҳофаза қилишда этногидронимлар ва антропогидронимларнинг экологик функциялари очиб берилган.

Аннотация

В данной статье анализируется экологическая функция некоторых видов гидронимов, географических названий, имеющих большое значение в составе топонимов нашей страны, возникших в связи с водными объектами. Для этого географические названия разделяются на группы, чтобы шире изучить экологическую функцию гидронимов. В результате географическими названиями на территории нашей страны являются водные объекты, возникшие в исторической связи с природными и экологическими особенностями, флорой и фауной, этногидронимы, указывающие на их принадлежность к определенному этносу, а также географические названия типа антропогидронимов, которые называются с такими понятиями, как те, кто владеет им и построил его по отношению к водным объектам, разделенным на группы. Помимо природных и экологических изменений, происходящих в результате длительного использования водных объектов и экологических территорий, где могут распространяться связанные с водой фитогидронимы и зоогидронимы, экологические функции этногидронимов и антропогидронимов в сохранении и охране водных объектов раскрываются.

Annotation

This article analyzes the ecological function of some types of hydronyms, geographical names, which are of great importance in the composition of place names of our country, which have arisen in connection with water bodies. For this purpose, geographical names are divided into groups in order to study the ecological function of hydronyms more widely. As a result, geographical names in the territory of our country are water objects that have arisen in historical connection with natural and ecological features, flora and fauna, ethnohydronyms indicating that they belong to a certain ethnic group, as well as geographical names

such as anthropohydronyms, which are called with concepts such as those who own it and built it in relation to water objects. divided into groups. In addition to the natural and ecological changes that occur as a result of long-term use of water bodies and the ecological areas where water-related phytohydrynoms and zoohydrynoms can spread, the ecological functions of ethnohydrynoms and anthropohydrynoms in the preservation and protection of water bodies are revealed.

Калит сўзлар: гидроним, сув объекти, гидронимика, фитогидроним, зоогидронимлар, этногидроним, антропогидроним, экологик функция, экологик топонимлар

Ключевые слова: гидроним, водоем, гидронимика, фитогидроним, зоогидронимы, этногидроним, антропогидроним, экологическая функция, экологические топонимы

Key words: hydronym, water body, hydronimics, phytohydronym, zoohydrynoms, ethnohydronym, anthropohydronym, ecological function, ecological toponyms

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб аҳоли манзилгоҳлари ариқ, сой, булок, дарё бўйларига ва уларнинг атрофларида жойлашган бўлиб, инсонлар эса ана шу худудларда ўрнашиб истиқомат қилган. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида сувдан фойдаланиш маданияти, сувни исроф қилмасдан тежаб-тергаб фойдаланишга асосланган ҳаёт тарзи шаклланди. Шунингдек табиий ёки инсон томонидан яратилган ҳар қандай сув объектлари, яъни дарё, денгиз, кўл, сой, булок, канал, сув омбори ва кудуқлар каби географик объектларга инсонлар томонидан маълум “ном” берилишида сувнинг маза-таъми, хид, харорати, миқдори, шифобахшлиги каби бир қанча хусусиятлари ҳисобга олинган [2].

Умумий ном билан гидронимлар деб аталувчи гуруҳга қирувчи географик номларнинг экологик функциялари ва улардан амалий

мақсадларда фойдаланиш йўналишлари тўғрисида асосан бир қатор олимлар тадқиқот олиб борганлар. Хусусан, қуйидаги Ханмагомедов Х.А., Мурзаев Э.М., Жекулин В.С., Жучкевич В.А., Юзбашев Р.М., Хорнули Г.И., Қораев С., Хасанов Х каби олимларнинг ишларида ёритиб ўтилган [4]. Экологик жиҳатда аҳамияти юқори бўлган номларни ўрганишни бошлаб берган олим Х.Л.Ханмагомедов ҳисобланади. Айнан ушбу олим олим Географик номларнинг узоқ вақт сақланиб “эколого-географик оқибатлар ёдгорлигига айланиб қолиши табиий-атроф муҳитга антропоген омил таъсирини баҳолашда қўшимча материал сифатида хизмат қилишини аниқлаган. [9]. Шунингдек табиатга антропоген таъсир натижасида йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонларни, гарчи улар йўқ бўлса ҳам ўша жой ҳамон шу дарахт ёки ўсимлик номи билан аталишини таъкидлаб ўтган эди [11]

Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб умумий географик номларни экологик функциялари айнан маълум географик номнинг бир турини тадқиқ этишни ва унинг экологик аҳамиятини очиб бериш мақсадида ushbu тадқиқот ишида гидронимларга асосландик. Тадқиқот олдига қўйилган асосий мақсад гидроним деб аталувчи гуруҳга мансуб бўлган географик номлари экологик аҳамиятли гуруҳларини шакллантириш ва шу асосда уларнинг умумий бажарадиган функцияларини асослашга ҳаракат қилдик.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жой номлари – топонимия доирасига сув объекти ва иншоотларнинг номлари ҳам киради. Сув объекти ва иншоотларининг номларини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганувчи соҳа гидронимика деб аталади. [7]. Ҳар қандай сув объектлари-океан, денгизлар, кўллар, дарёлар, каналлар, сув омборлари, сойлар, жилғалар, қудуқлар ва бошқа сув билан боғлиқ номлар гидронимлар (юнонча, hydro-“сув”) ва уларнинг мажмуи гидрономия дейилади [12]. Топонимистлар гидронимларни энг қадимий топонимлар деб ҳисоблашади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Р.А.Агеевнинг “Кўл ва дарё номларининг келиб чиқиши» китобига сўз боши ёзган Э.М.Мурзаев шундай

кайд қилган: «гидронимлар вақт эрозиясига кам дучор бўлади, қадимий, шу сабабдан асл шакли ва мазмунини тиклаш анча қийин бўлган топонимлар гуруҳига киради. Уларнинг бу хусусияти тарихчи, тилшунос ва географларда катта қизиқиш уйғотиб, уларга узоқ ўтмишга назар ташлаш имконини беради» [3].

Ҳозирга қадар гидронимлар гуруҳига кирувчи сув объектларининг тури ортиб бормоқда. С.Қораев дастлаб гидронимлар таркибига дарёлар, кўллар, денгизлар, сойлар, жилғалар, каналлар, кўлтиқлар, бўғозлар, шаршараларни киритади. Х.Х.Хасанов гидронимлар таркибига юқоридагилардан ташқари ирмоқ, ариқ, булок, ҳовуз, кудук, океан номларини кўшиб ўрганишни таклиф қилади. А.В.Суперанская бу гуруҳга бўғозлар, портлар, бухталар, ботқоқликлар, шаршаралар, сув омборларнинг номларини ҳам кўшишни таклиф этади. Н.Охунов эса бу гуруҳга зовур, тўғон, кувур номларини киритади. Ҳозирда гидронимларнинг нисбатан тўла таркиби Н.Улуқов томонидан яратилган бўлиб унга кўра бу гуруҳга 36 турдаги гидрологик объектларнинг номлари киритилди [1].

А.В.Суперанская: “Географик номларни таснифисиз таҳлил қилиш ва шархлаш қийин. Топонимист ўз тадқиқотларида маълум бир таснифдан фойдаланибгина илмий хулосалар чиқариши мумкин. Тасниф турлича бўлиши табиий” деб ёзган эди [6]. Демак гидронимларни экологик функцияларини амалий мақсадларда фойдаланиш учун уларни таснифлаш кутилган натижани беради ва қуйида гидронимларнинг айрим турларини кўриб чиқамиз.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Мамлакатимиз ҳудудидаги гидронимларни ясашида сув объектининг табиий-экологик хусусиятлари билан боғлиқ географик объектлар ўрганилди ва уларни мос равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш тавсия этилди.

I. Сув объектларини рангини англатувчи номлар таркибида асосан оқ, кўк, қора, сариқ каби кўча, маҳалла, кўл, дарё, сой, ариқ, булок каби

объектлар номлари такрорланиб туриши кузатилди. Масалан, **Оқсув** (Учкўприк, Китоб, Қамаши туманларда), **Кўкбулоқ** (Кўрғонтепа, Ғаллаорол, Нурота, Қамаши, Денов туманларда), **Қорасув** (Бўстон, Фарғона, Бахмал, Косонсой, Янгиқўрғон, Қамаши, Паяриқ, Қизириқ, Миробод, Юқори Чирчиқ туманлари ва Нурафшон, Шахрисабз шаҳарларда), **Сариксув** (Улуғнор, Олмазор, Шароф Рашидов туманларда) кабилар киради.

II. Сувнинг маза-таъми билан боғлиқ гидронимлар. Ушбу гидронимлар ширин, шўр, аччиқ каби сўзлар орқали ҳосил бўлган географик объект номлари мамлакатимизда кўча, маҳалла, кўл, дарё, сой, ариқ, булоқ каби объектлар номида кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, **Шўрбулоқ** (Андижон шаҳри, Бахмал, Ғаллаорол, Чуст, Косонсой, Томди, Ховос, Шеробод туманларида), **Ширинкудук** (Қоракўл, Муборақ, Учтепа, Ҳазорасп, Тупроққала туманларида), **Аччиқкўл** (Кўқон, Мингбулоқ, Боғот, Қўшкўпир туманларда) кабилар киради.

III. Сувнинг ҳиди ва ҳарорати билан боғлиқ гидронимлар. Мазкур таснифдаги гидронимлар ҳам мамлакатимизда бир қатор туман ва шаҳарларда мавжуд. Масалан, **Қайнарбулоқ** (Балиқчи, Бешариқ, Ўзбекистон, Кўқон, Бахмал, Шароф Рашидов, Поп, Учкудук, Чироқчи, Пахтачи, Ургут, Сайхунобод, Олтинсой, Бўстонлик, Боғот каби туманларида), **Охунқайнар** (Ўзбекистон тумани), **Қайнар** (Бахмал, Касби, Ўзбекистон, Қўшрабат туманларида), **Совуқбулоқ** (Бахмал, Бойсун, Бўстонлик, Китоб, Яккабоғ, Нурота, Нуробод, Оҳангарон, Шеробод, Узун, Фориш туманлари), **Иссиқкўл** (Фориш тумани), **Сассиқ** (Фориш тумани), **Сассиқсой** (Данғара, Шароф Рашидов туманлари), **Сассиқбулоқ** (Чуст, Шеробод туманлари), **Сассиқбулоқсой** (Булунғур тумани).

IV. Сувнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлган унинг шифобахшлигига нисбатан берилган гидронимлар. Юртимизда айрим сув объектларининг суви минераллиги ва ана шу сувнинг турли касалликларга шифо бўлишлигига нисбат бериш асосида номланади. Масалан, **Кўтирбулоқота** (Дехқонобод

тумани), **Қўтирбулок** (Дехқонобод, Оқдарё, Паяриқ, Тойлок, Шеробод, Поп туманлари), **Қўтирсой** (Қамаши тумани).

Юқорида таъкидланганидек сувнинг табиий-экологик хусусиятлари билан боғлиқ жой номлари инсонлар ижтимоий ҳаётида муҳим экологик функцияни бажариб келган. Мисол учун шифобахшлигига кўра таснифланган **Қўтирбулок**, **Қўтирсой** жой номлари инсонлар учун турли хил касалликга шифо манбаси бўлиб, бундай объектларга нисбатан уларни, асраб-авайлаш, унинг атрофини тоза сақлаш, муҳофаза зонасини яратиш каби тушунчалар шаклланган ва уларга риоя қилишган албатта. Шунингдек сув объектининг ранги, маза-таъми, хиди ва ҳарорати билан боғлиқ бўлган жой номлари айнан шу ҳолатда сақланиб қолмаганлигини кузатиш мумкин. Айниқса учбу объектларнинг аҳоли манзилгоҳларига яқин қисмларида ўзгариш кескинроқ эканлиги кўзга ташланади.

Мамлакатимиз худудида дарахт ва ўсимлик билан боғлиқ бўлган сув объектлари ҳам гидронимлар таркибида салмоқли ўрин эгаллайди. Бундай ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган сувликлар номи фитогидроним (фито < рус < юнон. Phytон-ўсимлик+гидро рус. < юнон. hydro-сув + опота-исм, ном)лар дейилади [8]. Таъкидлаш лозимки табиатда бир-биридан айро нарсанинг ўзи йўқ. Сув бор жойда гиёҳ, ўсимлик унади ва дарахт кўкаради. Чунончи, Ўзбекистон флораси турли-туман, ранго-ранг бўлиб, унинг таркибида 4000 турдан ортиқроқ ўсимликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигидан халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг кўламда фойдаланилади [10].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб Н.М.Улуқов томинидан таклиф этилган фитогидронимларни қандай дарахт ёки ўсимлик номи билан аталишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин [7].

I. Манзарали дарахт номлари билан аталган сув объектлари: **Толбулок** (Хўжаобод, Дехқонобод, Яккабоғ, Каттақўрғон, Шеробод, Паркент туманлари ва Ангрен шаҳри), **Толқудук** (Ёзёвон тумани), **Толлисой**

(Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Поп, Каттақўрғон, Оҳангарон туманлари), **Толбулоқ** (Наманган тумани), Толариқ (Зомин, Касби, Каттақўрғон, Миробод, Мирзо Улуғбек т, Паркент туманлари), **Толликалон** (Поп тумани), **Толличашма** (Чироқчи тумани), **Теракисой** (Бахмал, Фориш, Бандихон, Бўстонлиқ туманлари), **Арчалисой** (Бахмал тумани), Арчасой (Фориш тумани), **Чинорсой** (Денов, Сариосиё туманлари), **Чинорбулоқ** (Олтинсой, Узун, Паркент туманлари), **Обизаранг** (Узун, Сариосиё, Музработ туманлари), **Зарангсой** (Паркент тумани) кабилар киради.

II. Мевали дарахт номлари билан аталган сув объектлари: **Олмалисой** (Фориш, Ғаллаорол, Поп, Чироқчи туманлари), **Олмалибулоқ** (Чуст, Деҳқонобод, Бойсун, Бўстонлиқ туманлари), **Олчалисой** (Зомин тумани), **Олчабулоқ** (Нуробод, Бойсун туманлари), **Ўриксой** (Фориш, Ғаллаорол туманлари), **Ўрикисой** (Бахмал, Шароф Рашидов, Зафаробод, Зомин, Поп туманлари), **Тутлибулоқ** (Зафаробод, Чуст туманлари), **Жийдасой** (Чуст, Поп туманлари), **Жийдалисой** (Сариосиё тумани), **Тутбулоқ** (Узун тумани), **Тутлисой** (Бўстонлиқ тумани), **Тутаксой** (Нурота тумани), **Жийдабулоқ** (Деҳқонобод, Қамаш, Бойсун, Узун туманлари), **Дўланасой** (Китоб тумани) кабилар киради. Шунингдек мамлакатимиз сув объектлари номлари орасида кўвға, қамиш, қиёқ, хулва каби ўт ўсимликлар номи билан аталган сув объектлари ҳам учрайди.

Юқорида келтирилган тахлиллардан ҳам кўриниб турганидек, ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган фитогидронимлар ўз мазмун-моҳияти шаклланиш тарихи билан ўзи мансуб худуднинг табиати ва флорасини ўзида акс эттириб бир қанча эътибор қаратиш керак бўлган экологик тоза бўлган худудларни яратади. Таъкидлаш лозимки ўсимликлар табиатдаги фотосинтез жараёнида қатнашиш билан бирга худуддаги сув режимини тартибга келтириш, сув ва шамол эрозиясига йўл қўймаслик каби вахифаларни бажариш билан биргаликда атроф-муҳитни табиий ва антропоген ифлосланишдан сақлаб турувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шунингдек топонимик тадқиқотлар натижасида ўсимлик ва дарахтлар юқоридаги эндемик, ўзига хос ҳудудлари чегарасини ўтмишда ва ҳозирда аниқлаш учун ҳам амалий ёрдам беради. Бу жиҳатдан қаралганда ўсимликлар дунёси ҳам экологик топонимлар гуруҳига кириб бошқа экотопонимлар сингари муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир [5].

Мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунда ҳайвонот дунёси билан боғлиқ бўлган сув объектлари номларини зоогидронимлар термини остида таҳлил қилиш, ҳамда мазкур объектларни экологик жиҳатларини ўрганиш мумкин. Мазкур тадқиқот натижасида мамлакатимиз ҳудудида қуйидаги ҳайвонот дунёси билан боғлиқ сув объекти номлари аниқланди: **Бойбўрисой** (Косон), **Бўрисой** (Денов), **Бўрибулоқ** (Қумқўрғон), **Чўчкалисой** (Фориш), **Чўчкасой** (Оҳангарон т), **Чўчкаўлдисой** (Иштихон), **Майнабулоқ** (Косонсой), **Қарғаёп** (Янгибозор), **Бойўғлисой** (Янгиқўрғон) каби номлар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики зоогидронимлар улар мансуб бўлган ҳудуд табиатини, ҳайвонот дунёсини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қандай сув объектига ном беришда унга хос бўлган бирор белги-хусусият, жиҳатга асосланади. Гидронимлар туркумига мансуб бўлган зоогидронимлар мазкур объектлар атрофида яшаган ҳайвонот дунёси билан бевосита мансуб бўлиб, уларни номлашда ана шу ҳайвонот дунёсига асосланган. Шунингдек, сув объектларини ифодалаган фитогидроним мавжуд бўлмаслиги, маълум давр ўтиши билан йўқ бўлиши мумкин. Ана шу жиҳати мазкур ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кераклигини тақозо этади.

Бизга маълумки маълум ҳудудда яшаган халқ, қабила, уруғ, қавмлар номи билан аталган сув объектлари – **этногидронимлар** ҳисобланади. Этногидронимлар сув объектларини маълум этник гуруҳга тегишли эканлигини, мансублигини, уларга алоқадорлигини билдиради [7]. Мамлакатимиз этнослар номи билан аталган сув объектлари орасида энг кўп, кипчок, қўнғирот, жалойир, қурама, найман, дўрмон, дутир, шунқор каби

уруғ-қабилаларнинг номи энг учрайди, шунингдек сув объектлари номлари орасида ана шу худудда яшайдиган миллат, халқ вакиллари (ўзбек, турк, қирғиз, тожик, уйғур, қашқар) номлари билан аталадиганлари ҳам кенг тарқалган [1]. Масалан, **Ўзбекарик** (Учкўрғон тумани), **Қозоқарик** (Наманган тумани), **Қозоқсув** (Шофиркон тумани), **Қирғизбулок** (Янгиқўрғон тумани), **Наймансой** (Ўзбекистон, Данғара туманлари), **Найманкўл** (Чироқчи тумани), **Уйғурсой** (Поп т), **Қалмоқбулок** (Мархамат тумани) **Қипчоқарик** (Кўкон шаҳри) каби номлар. Мамлакатимиздаги бундай географик номларни маълум миллат, халқ номи аталишида асосан сув объектларини муҳофаза қилиш, сувни тежаш ва истеъмолга яроқли ҳолда сақлаш бўйича юқоридаги миллат ва халқларни сувга нисбатан муносабати муҳим бўлган ҳолда ўзига ҳос ижтимоий-экологик функцияни ҳам бажарган албатта.

Гидронимлар, жумладан, **антропогидронимларни** юзага келишида маълум худуддаги кишиларнинг урф-одати, тили, маданий жиҳатдан юксалиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти каби жиҳатлари билан алоқадор ҳолда юзага келади. Албатта мамлакатимизда жой номлари таркибида антропогидронимларни жой номларига айланиши кенг тарқалган табиий жараён бўлиб, бунда кишиларнинг сув объекти билан муносабати, унга эгаллиги, барпо этганлиги каби жараёнлар асос бўлиб ётади. Масалан, **Абдуллахонбанди** (Нурота тумани), **Усмонолиш** (Чуст тумани), **Эшмерган ариғи** (Уйчи тумани), **Қиличбойарна** (Гурлан тумани), **Шониёзарик** (Пахтачи тумани) каби номлар. Юқорида келтирилган антропогидронимлар ўзига ҳос бўлган сув объектини улуғлаш, салмоғи, аҳамияти муҳимлигини таъкидлаш, илоҳийлаштириш, муқаддаслигини очиб бериш орқали шу маскан табиатини экологик жиҳатдан сақлашга ёрдам берган [1].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз аҳолисини сув объектларига ном қўйишининг экологик жиҳатларини ўрганиш бугунги кунимиз ва келажак авлод учун аҳамиятли эжанлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан сув объектлари номи билан аталадиган гидронимлар ва уларнинг маълум турлари орқали ана шу сув объектининг олдинги ҳолати, сувнинг гидрологик хусусиятлари, сувнинг оқими режими, фитогидронимлар орқали ўсимлик ва ҳайвонот оламини яшаш ареаллари ва уларнинг ҳозирги кундаги ҳолати, этногидроним ва антропогидронимлар орқали эса сув объектининг эгаси тўғрисида маълумотларни беради албатта. Улардан объектни бугунги ҳолати ҳақида умумий маълумотлар баъзаси бўлган ГАТ маълумотларида фойдаланиш мумкин.

Шунингек гидронимларнинг экологик функцияларини билган ҳолда, улардан, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ишларни ташкил этиш мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Аҳмадалиев Ю.И., Мадрахимов А.Э. Сувдан фойдаланиш жараёнида юз берадиган ўзгаришларни ўрганишда гидронимлардан фойдаланиш // Иқлим ўзгариши шароитида гидрометеорологик тадқиқотлар: долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2022 йил. 332-335 бетлар.

2. Аҳмадалиев Ю.И. Топонимика ва географик терминшунослик. Фарғона, “Полиграф Сервис”, 2018. – 118 б.

3. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. –М.: Мўсль, 1983.

4. Отақулов П.С. Географик номларнинг шаклланишида минтақавий ижтимоий – экологик хусусиятлар таъсири (Фарғона водийси мисолида). Р.һ.Д.... дисс. – Ф.: 2020. – 172 б.

5. Отақулов П.С. Фитоойконимларнинг экологик функциялари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. – Тошкент, 2017 йил. 154-156 бетлар.
6. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва, 1970 . –С.55.
7. Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти; Наманган давлат университети. – Тошкент : Фан, 2008. –1166
8. Усмонов О. Донниёров Р. Русча интернационал сўзлар изохли луғати. – Тошкент.: Фан. 1965. Б 122.,483
9. Ханмагомедов Х.Л., Гебекова А.Н.. Учение о географических названиях (топонимика) и пути его развития// Вопросы современной науки и практики. Университет им. В.И. Вернадского. №4(35). 2011 С.24-35.
10. Хожиматов Қ. Ўзбекистоннинг хушбўй ва хуштаъм ўсимликлари. – Тошкент: Фан. 1996, 6 б.
11. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми?-Т.:1970.-190 б.
12. Q.M.Nakimov, M.T.Mirakmalov. – Toshkent : “Tafakkur avlodi”, 2020 – 320 б.